


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70411401 –Инсон ресурсларини бошқариш магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент-2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА ҚИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА ҚИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

	бет
1. 70411401 – Инсон ресурсларини бошқариш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1 Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2 70411401 –Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	6
2. 70411401- Инсон ресурсларини бошқариш таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	7
Керишув варағи	8

1. 70411401 – Инсон ресурсларини бошқариш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70411401 - *Инсон ресурсларини бошқариш* мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70411401** - *Инсон ресурсларини бошқариш* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан-техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул - олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходим ва талабалар;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги “бизнес ва бошқарув” соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инсон ресурсларини бошқаришга оид комплекс масалалар мажмуини шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий тараққиётни таъминлаш, истиқболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот бўлимлари;

- олий таълим, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари,

таълим муассасалари кадрлар хизмати;

- давлат ва маҳаллий бошқарув, ҳудудий иқтисодиёт, молия ва бандлик органларида инсонларни бошқарув хизматлари;

- нодавлат ва нотижорат ташкилотлари;

- иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- илмий-тадқиқот муассасалари, илмий марказлар, лойиҳалаш-конструкторлик институтлари, илмий - ишлаб чиқариш бирлашмаларида кадрлар хизмати;

- ҳудудлар аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари;

- бошқарув ҳамда кадрлар консалтинги ва аудитига ихтисослашган ташкилотлар;

- бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар кадрлар хизмати.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда, магистрларнинг касбий фаолият объектларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.2.3. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;

- педагогик фаолият;

- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

1.2.4. 70411401- Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот соҳасида:

- инсон ресурслари соҳасида илмий-тадқиқот дастурлари ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- персонални бошқариш муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- персонални бошқариш тизимида тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилишнинг усуллари ва дастакларини ишлаб чиқиш;

- тадқиқотлар мавзулари бўйича маълумотлар қидириш, тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- инсон ресурсларини бошқаришнинг долзарб муаммолари бўйича обзорлар, ҳисоботлар ва илмий нашрлар тайёрлаш ва бошқалар.

Педагогик фаолият соҳасида:

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда) юритиш;

- корпоратив таълим муассасаларида, бизнес мактабларида ва бошқа таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти;

- персонални ўқитиш тизимини ташкил этиш учун ўқув дастурлари ва материаллари ишлаб чиқиш;

- замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва ундан кадрлар тайёрлашда фойдаланиш;

- ташкилотларни ривожлантириш стратегияларидан келиб чиққан ҳолда, персонални ўқитиш учун ўқув-методик материаллар ишлаб чиқиш;

- мураббийлик фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- персоналларни ички корпоратив касбий ўсишини ташкил этиш, назорат қилиш ва

уларни ўқитиш жараёнида иштирок этиш.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда, магистрларнинг касбий фаолият турларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланаётган магистрлар касбий фаолиятининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий ривожини таъминлаш, турли мулк шакллари ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- Инсон ресурсларини бошқарув тизимида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- Инсон ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва асослаш;

- Инсон ресурсларини бошқариш жараёнларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш;

- ташкилотнинг кадрлар салоҳияти ва интеллектуал капитали ҳамда ҳар бир персоналнинг имкониятларини алоҳида таҳлил қилиш;

- меҳнат бозори маркетинги ва персоналларни таққослаш натижасида олинган маълумотлардан ташкилот амалий фаолиятида кенг фойдаланиш;

- ташкилот кадрлар сиёсати йўналишлари бўйича харажатларни молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш;

- ташкилот персоналани ва уни бошқарув тизимини аудит ва назорат қилишни ташкил қилиш.

Ташкилий-бошқарув соҳасида:

- инсон ресурсларини бошқариш ва уни амалга ошириш воситаларини ишлаб чиқиш;

- ташкилот персоналани бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилиш;

- инсон ресурсларини бошқариш тизимини шакллантириш, кадрлар тизимидаги янгиликларни бошқариш;

- компаниялардаги хизмат мартабасини ва ходимларнинг хизмат касб жиҳатидан кўтарилишини бошқариш;

- кадрлар хизматларини бошқариш (бўлимлар, персоналлар гуруҳлари, персонални бошқаришнинг ихтисослаштирилган функцияларидан фойдаланиш);

- кадрлар меҳнат фаолияти кўрсаткичларини иқтисодий-молиявий таҳлил қилиш, персоналлар тайёрлаш харажатларини молиялаштириш;

- Инсон ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини баҳолаш;

- замонавий ижтимоий технологияларни ривожлантириш ва персоналлар билан ишлашда улардан самарали фойдаланиш;

- ташкилотни ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш.

2. 70411401 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- иқтисодиёт ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиш, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;
- умумметодологик фанлар асосини, кадрлар менежментининг долзарб масалаларини билиш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, такомиллаштириш ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;
- индивидуал билимларига таянган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниш ва уларни таҳлил қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, улардан илмий фаолиятда фойдалана олиш;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг қонуниятлари ва методларини тавсифлаш, методологик тамойиллардан илмий фаолиятда фойдалана олиш;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, иқтисодий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- интернет тармоғидан ахборотлар олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган конкурсларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент, лицензия олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган конкурс танловларида иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;
- мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлаш;
- мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида докторант ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумлар ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- корпоратив таълим муассасаларида, бизнес мактабларида ва бошқа таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти;
- персонални ўқитиш тизимини ташкил этиш учун ўқув дастурлари ва материаллари ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва ундан кадрлар тайёрлашда фойдаланиш;

- ташкилотларни ривожлантириш стратегияларидан келиб чиққан ҳолда, персонални ўқитиш учун ўқув-методик материаллар ишлаб чиқиш;
- персоналларни ички корпоратив касбий ўсишини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларни ўқитиш жараёнида иштирок этиш;
- инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- кадрлар захирасини шакллантиришни билиш;
- кадрлар тизимига инноватикани жорий этиш кўникмасига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- меҳнат муносабатларини ташкил этишда шахслараро муносабатларни шакллантиришни билиш;
- ташкилотдаги хизмат мартабаси ва ходимларнинг хизмат касб жиҳатидан кўтарилишини бошқаришни билиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилотда инсон ресурсларини бошқариш соҳасида низо ва стрессларни ечиш, персонал хавфсизлигини бошқариш бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- бошқарув персонали меҳнатини ташкил этишни билиш;
- корхоналарда персонал хулқ – атворини бошқариш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, магистрантнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (магистрант дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий-тадқиқот, ижтимоий - иқтисодий жараёнлар, кадрлар менежменти, инновацияларни бошқариш тизими, меҳнат ресурсларини бошқариш, меҳнат ресурсларини бошқариш жараёнлари, меҳнат ресурсларини бошқариш стратегиялари, меҳнат бозори, меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқариш, карьерани бошқариш тизими, карьерани бошқариш тизимини ривожлантиришнинг замонавий усуллари, илмий бошқариш, ахборот-коммуникация тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий - тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  **И.Маджидов**


2021 йил «20» 08



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

директор ўринбосари  **Т.Ахмедов**

2021 йил «20» 08



М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  **М.Эсонов**


2021 йил «25» 08

М.Ў.



Тошкент Молия институти

Ректор



Т.Тешабаев

2021 йил «23» 08



М.Ў.